




## САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАРДА ИККИ ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июль куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва “ШХТ плюс” форматидаги учрашувда иштирок этиш учун Остона шахрига келди.



Остона халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Қозоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Шу куни Остона шахрида ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Хитой Раисига Ўзбекистондаги орта қаттам ислохотларни қатъий қўллаб-

қувватлаётгани ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди. Етакчилар кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорликнинг барча йўналишларида улкан ютуқларга эришилганини таъкидладилар.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил январь ойида Хитойга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар изчил

амалга оширилаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ҳукуматлар, парламентлар, ташқи сиёсат ва тармоқ идоралари ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашди.

Йил якунига қадар Ташқи ишлар вазирлари стратегик мулоқотининг иккинчи йилгилини Тошкент шахрида ўтказиш режалаштирилган. Яқин кунларда Хитой парламентининг юқори даражадаги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи кутилмоқда.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми 14 миллиард долларга етди. Яқин истиқболда бу кўрсаткични 20 миллиард долларга етказиш имкониятлари қайд этилди.

Инвестиция лойиҳаларининг жорий портфели 50 миллиард доллардан ошган. Шу йил бошидан буён мамлакатимизда 3 миллиард доллардан зиёд Хитой сармояси ўзлаштирилиб, 500 дан ортиқ янги қўшма корхона ташкил этилди.

Инфратузилма, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги ва “яшил” энергетика соҳаларида стратегик ҳамкорлик дастурларини қабул қилишни жадаллаштиришга келишиб олинди.

Яқинда Жиззах вилоятида Ўзбекистон — Хитой технопарки ишга туширилгани ва минтақамизда биринчи бўлиб “BYD” электромобиллари ишлаб чиқарила бошлангани мамнуният билан қайд этилди.

Хитойнинг етакчи моливий тузилмалари билан ҳамкорлик кенгаймоқда. Хусусан, “Ипак йўли” жамғармаси билан инвестиция платформаси яратилди, Хитой Эксимбанки кўмағида пойтахтимизда Олимпия шаҳарчаси қурилиши якунланмоқда. Ушбу банкнинг Тошкент шаҳрида худудий филиали очилиши кутилмоқда.

Худудларо алмашинувлар фаоллашгани юқори баҳоланди. Йил бошидан буён мамлакатимизнинг барча худудлари раҳбарлари бир неча бор Хитойга ташриф бурди, Шинжон-Уйғур автоном райони, Анхой, Цзянси, Цзянсу, Чжэцзян, Шандун, Шэньси ва Шанхай музофотлари делегациялари Ўзбекистонда бўлди. Пекин, Урумчи ва бошқа бир қатор шаҳарларда савдо уйлари очилди.

Келгуси йилда иккинчи Худудлар форуми ўтказилиши белгилаб олинди.

Президентимиз ХХР Раисини камбағалликка қарши курашиш соҳасида амалий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаётганини алоҳида таъкидлади. Бу муҳим

йўналишда тажриба алмашиш бўйича узоқ муддатли дастур қабул қилиш таклифи билдирилди.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида транспорт боғлиқлигини мустаҳкамлаш ва минтақани ривожлантиришда стратегик аҳамиятга эга бўлган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш бўйича амалий ишларни тез фурсатда бошлаш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Ўзбекистон томонининг “ягона Хитой” сиёсатини қўллаб-қувватлаш ва “уч ёвуз куч”га қарши курашиш борасидаги позицияси ўзгармас экани тасдиқланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, “Марказий Осиё — Хитой” формати ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий тузилмалар доирасидаги яқин ҳамкорлик давом эттирилади.

Давлатимиз раҳбари ХХР етакчисига ШХТга раислик даврида катта муваффақиятлар тилади.

Туризм, илм-фан, таълим, кадрлар тайёрлаш ва хитой тилини ўрганиш соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Яқинда Тошкентда Марказий Осиёдаги Конфуций институтлари форуми бўлиб ўтди. Мамлакатимизда ХХР олий ўқув юртлири филиалларини очиб, Хитойнинг профессионал таълим тизими — “Лу Бан устахонаси”ни кенг жорий этиш режалари белгиланди. Иккинчи Таълим форумини келгуси йилда ўтказиш таклифи билдирилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти ХХР Раисини мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

Учрашув ҳар доимгидек ўзаро ишонч, очкичлик ва дўстлик руҳида ўтди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини, энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестиция ва транспорт-коммуникация соҳаларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Турли даражалардаги мулоқотлар фаол давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ва юк ташиш ҳажми, қўшма корхоналар сони ортмоқда.

Давлатимиз раҳбари Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун қулай шартлошни шакллантириш борасидаги ишларни давом эттириш муҳимлигини таъкидлади.

Қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, фармацевтика, кимё ва бошқа тармоқларда лойиҳаларни амалга оширишни назарда tutувчи 2025-2026 йилларга мўлжалланган Саноат кооперацияси дастурини қабул қилиш муҳим экани қайд этилди.

Жорий йилда Ҳукуматларо комиссиянинг навбатдаги йилгилини, бизнес форуми ва саноат кўргазмасини ўтказишга келишиб олинди.

Трансафгон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга оширишда биргаликдаги сарф-ҳаракатлар зарурлиги таъкидланди.

Минтақавий кун тартибидеги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. ШХТнинг 4 июль куни бўлиб ўтадиган саммити кун тартибидан ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва фаолиятини тақомиллаштиришнинг долзарб масалалари ўрин олган. Халқаро ва минтақавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари ҳам кўриб чиқилди.

Йилгилини якунида Остона декларацияси ҳамда иқтисодий, хавфсизлик, экология, энергетика, туризм ва бошқа қўллаб йўналишларда шерикликни кенгайтириш бўйича ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилган.

ЎЗА

## Буюк ўзбек йўли

# ДУНЁГА ЮЗ ОЧГАН ЎЗБЕКИСТОН

### Сўз ва амал бирлиги эътирофи

Халқимиз сўз ва амал бирлигига жиддий эътибор беради. Масалан, бошқаларни яхшиликка чорлаётган инсон нуқсонлардан холи бўлиши керак. Айнан шу Шарқ алломалари орзу қилган комил инсон тарғиботи самараси.

Ҳа, аждодларимиз комил шахс қиёфасини айтган гапига ўзи амал қиладиган инсон-

ларда кўрган. Усиб етуқликка эришиб бўлмаганини инкор этиб бўлмас ҳаётини мисоллар билан исботлаган. Мамлакатлар ҳам худди шундай. Бу, айниқса, ҳозирги глобал сиёсий жараёнларда муҳим аҳамиятга эга.

Бугун мамлакатимиз халқаро майдонда жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, глобал муаммоларга ечим топиш

учун қатор ташаббусларни илгари сурапти. Улар эса ҳақли равишда эътирофларга сабаб бўлмоқда. Чунки сўз ва амал бирлиги барча учун бирдек қадри. Янги Ўзбекистонда инсон қадрини учун бошланган ислохотлар замирида ана шу ҳаётини ҳақиқатни қўришишимиз мумкин.

### Ислохотлар дебечаси

Расмий ташриф билан 30 июнь — 1 июль кунлари мамлакатимизда бўлган БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш мазкур янгиланиш жараёнларини эътироф этар экан, бу ислохотлар Ўзбекистон халқининг асосий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилганини юқори баҳолади. Хўш, кейинги йиллардаги ўзгаришлар сабаб қандай ҳуқуқларимиз тикланди, мустаҳкамланди?

▶ Давоми 3-бетда

## Огоҳлик кўнғироғи

# ЎЗГАРАЁТГАН ОЛАМ

### Унда ёшлар қандай йўл тутиши керак?



Дунё йил, ой сайин эмас, кун сайин ўзгармоқда. Минг йиллар давомида шаклланган анъаналар, ютуқлар муайян кучлар томонидан инқирозга учратилмоқда. Бугун ҳамма нарсани ўзгартиришнинг иложи бор, деган тушунча назариядан амалиётга кўчди. Бунга қанчадан қанча халқлар гоҳ маънавий, гоҳ моддий ҳужумга учраётгани ҳамда дунё аҳли бу хунрезликларга кўнгириллаётганига қараб хулоса чиқариш мумкин. Ҳозир омманинг диққатини назорат қилиш дастури ҳамма даврдагидан кўра кучлироқ ишляпти.

Қизғин, бу борада ҳам муайян маънода ҳарбий, яъни жаҳон аҳли эътиборини фронтларга бўлиб юбориш усулидан фойдаланилмоқда. Лўнда айтганда, дунё аҳолисининг содир бўлаётган ёвузликларга бир мушт бўлиб қарши туришига йўл қўйилмапти — манипуляциянинг моҳияти ҳам шунда. Синчков назар солсангиз, бугун ҳамма ўзи билан ўзи андармон — халқлар,

миллатлар муаммоларидан ортиб, ён-атрофга ёрдам бериши тобора қийинлашган. Бундай вазиятда баншариятнинг умумий мақсади гоълар жангида ютқазмаслик ҳамда ҳар қандай шароитда ҳам ўзликни йўқотиб қўймайлик атрофда қўрилади. Бунинг асосий драйвери эса — ЁШЛАР.

▶ Давоми 5-бетда



## Инсон қадрин учун

# ЭЪТИБОР ВА МЕХР УМИДСИЗЛИКДАН ҚУТҚАРАДИ

**Хувуллаган ҳовли. Тўрт девор орасида ёлғиз хаёл суриб ўтирган Улжон аянинг тинчини дарвозанинг тақиллагани бузди. Кексалик ўз кучини кўрсатган момо ўрнидан туриб, дарвозани очгунча бир оз вақт ўтди. Ташқарида маҳалла раиси ва яна бир-икки фаолни кўриб, ёлғизлигини билдирмаётган шу мутасаддиларга ич-ичидан миннатдорлик туйди.**

Уйга кириб, ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин маҳалла раиси муддаога ўтди:

— Улжон ая, сизга бир хушxabаримиз бор. Энди ёлғизликдан ва уй юмушларидан қийналмайсиз. Нурунийларимизга ижтимоий ходимлар бириктирилди. Сизга ҳам шундай ижтимоий ходим ассистенти доим ёрдам беради.

Улжон ая дастлаб раиснинг сўзларини бир оз англамади. Фаоллар бағаватини тушуниб бергач, яна бир бор шухрона айтди.

— Қандай бўларкан-а?..

— Ҳеч хавотир олманг, иссиқ-совуғингиздан хабар олиб, ёрдам берадиган одам ҳам маҳалламиздаги хотин-қизлар орасидан танлаб олинади. Энди бизга рухсат беринг, маҳалламизда парваришга муҳтож яна 5-6 ёлғиз ва ногиронлиги бўлган фуқароларга ҳам бу хушxabарни етказишимиз керак.

Навбахор тумани Янгибод маҳалласида истиқомат қилувчи 70 ёшдан ошган Улжон Душанова тақдир тақозоси билан бугун ёлғиз ўзи истиқомат қилади. Ун икки йилдан буён шундай шароитда яшаб, ёлғизлик туйғуларини ҳаётнинг турли синову қийинчиликлари дуч келди. Қолаверса, киши ёши ўтиб борар экан, тобора ўзгалар парваришига, меҳрига муҳтож бўлиб бораверади. Маҳалла мутасаддилари, фаоллари ва кўни-қўшнилари унинг ҳолидан хабар олиб туради.

Президентимизнинг 2023 йил 27 декабрдаги “Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизimini тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини Улжон Душанова каби фуқаролар учун аини муддао бўлди. Қарор асосида жорий йил 1 мартдан ўзига ўзи хизмат кўрсатиш, мустақил ҳаракатланиш ва мўлжал олиш имконияти чекланган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга

ижтимоий ходимлар ассистентлари соғабай асосда ҳафтанинг барча кунлари хизмат кўрсатиши учун мослашувчан иш тартиби жорий этилди.

Навбахор туманида ҳам “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестри юритилапти. Аини вақтда туманда яшаётган ана шундай 79 шахсга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

— Туманимиздаги ўзгалар парваришига муҳтож фуқароларнинг барчасида ижтимоий ходимлар ассистенти бириктирилди.



Шунингдек, тегишли қарор асосида бу тоифага бир қатор имтиёз ва имкониятлар берилган. Соғломлаштириш масканларига йўланмалар бериш ва уларга ижтимоий ходим ассистенти ҳамроҳлик қилиши ҳамда барчаси бепул бўлиши белгиланган, — дейди “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази Навбахор тумани бўлими ходими Навбахор Юсупова.

Бугун вилоят бўйича ўзгалар парваришига муҳтож 576 шахс “Ёлғиз кекса” реестрига киритилган. Уларга 80 ижтимоий ходим ассистенти ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслардан 10 нафарига сўхатгоҳга бепул йўланмалар ажратилди, 34 нафари эса муҳтожлигига қараб зарур реабилитация воситалари ва протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди. Бундан ташқари, маданий ҳордиқ чиқариш учун спорт ва маданий тадбирлар ўтказилди, 133 ёлғиз фуқаронинг қўлини вилоятлар ва ҳудуддаги турли тарихий қадимжолар ҳамда дам олиш масканларига савҳати уюштирилди.

Мутахассислар ижтимоийлашувнинг аҳамиятини кўрсатиш мақсадида қўшларда кичик тажриба ўтказган. Қаноти синган қўшни соғлом қўшлар орасига қўйиб юборади ва бир неча кун кузатади. Учишга имконсиз

қўшлар орасига қўйиб юборишади. Қўш аста-секин тузала бошлайди. Энди аввалгидек ўзини бир бурчакка олиб ўтирмайди. Кейинчалик қўш уча оладиган қўшлар орасига қўйиб қўйилади. Гарчи учолмаса-да, у энди ўзини аввалгидек ожиз ҳис этмайди.

Жамиятда ҳам турли тоифадаги инсонлар учун ижтимоий мослашув энг муҳим жараён. Бугун “Инсон қадрин” тамойили асосида ногиронлиги бўлган, имконияти чекланганларнинг муносиб ҳаёт кечирishi ва жамиятда ўрнини топиши учун мутлақо янги чекленган асосида тизимли ишлар қилинаётганини эътироф этиш жоиз. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизimini йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Шунга асосан, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий хизматлар сифатини тубдан ошириш ва илгор халқаро тажрибага асосланган мутлақо янги бошқарув тизimini жорий этиш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Бу тизимнинг асосий вазифаси аҳолини оғир аҳволдан чиқариш ва жамиятда ўз ўрнини эгаллаши учун кўмак беришдан иборат.

Агентлик олдида, аввало, жамиятда комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий ҳимоя тизimini жорий қилиш, тизим самарадорлиги ва манзиллигини ошириш билан аҳоли кўмакка муҳтож қатламнинг ижтимоийлашувини таъминлаш, қолаверса, ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасига чеклаш этиши, оғир аҳволга тушганларга алоҳида ёндашув асосида ёрдам бериш, ижтимоий сўғурта хизмати билан қамровини кенгайтириш каби вазифалар қўйилди. Шу билан бирга, хавф гуруҳларига тушиб қолган оилаларни аниқлаш ва комплекс ижтимоий хизмат кўрсатиш орқали уларни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт кечирishi учун қўлай муҳит ва шароит яратиш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Маҳаллаларда ижтимоий ходимлар томонидан ногиронлиги бўлган 42 миң 676 шахс ногиронлик гуруҳини ўзгартириш ва реабилитация марказида доволаниш, протез, ортопедик мосламалар ва реабилитация техник воситаларига муҳтожлиги, параспорт турларига қизиқиши, бандлик ва касб-хунарга ўқиш бўйича рўйхатга олинган, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Навой вилояти бошқармаси бошлиги Қаҳрамон Ражабов. — Тиббий ижтимоий экспертиза комиссияси томонидан меҳнат фаолияти юритиши учун ижобий хулоса берилган 7381 фуқаронинг бандлигини таъминлаш чораси кўрилмоқда. Жумладан, argos.uz платформасига 229 та янги иш ўрни танловга чиқарилди. Натижада ногиронлиги бўлган 45 шахс суҳбат жараёнидан ижобий хулоса олган ҳолда ишга қабул қилинди. Шунингдек, бошқармаимиз тизимига 28, захирабланган иш ўринларига 43, бюджет ва тармоқ корхоналарига 40 ҳамда тадбиркорлик субъектларига 126 киши ишга олинди.

Меҳнат фаолияти юритиши учун ижобий тавсия берилган ногиронлиги бўлган

1771 шахснинг бандлигини таъминлаш ва касб-хунарга йўналтириш бўйича Навбахор тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Улар учун бозор шароитида даромад топишга йўналтирилган миллий кўтирочлар, заргарлик буюмлари, совун ва қоғоз маҳсулотларидан турли шаклдаги гуллар тайёрлаш йўналишида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

Хозир ногиронлиги бўлган 45 ишсиз фуқаро “устоз-шогирд” аънаси асосида 1 ойлик касб-хунарга курсларида ўқитилмоқда ҳамда устaxonада ёки касаначилик асосида ўз уйда меҳнат билан шугулланиб келмоқда.

Спорт билан шугулланиш истигадиги ногиронлиги бўлган 288 шахснинг 171 нафари параспортга жалб этилди. Машгулотлар орқали уларнинг нафақат саломатлиги яхшиланимоқда, балки параспорт бўйича мусобақаларда фахрли ўринларни ҳам эгаллаяпти. Шулардан бири Руслан Ҳасанов.

Болалигидан юриш имконияти чекланган бўлса-да, ҳаётга интилиши юқори бўлгани туйғулар билан қийинчиликни матонат билан енгиб келмоқда. Бир йилдан буён Учтўрт маҳалласидаги спорт залида шугулланмоқда.

— Маҳалламиздаги ижтимоий ходим тавсияси билан спорт залига қатнай бошладим. Хозир тўлиқ жисмоний ҳолатимни кучайтириш бўйича машгулотларда қатнашяпман. Армрестлинг билан шугулланиш. Вилоят чемпионатида иштирок этиб, ғолиб бўлдим. Энди республика чемпионатида тайёргарлик кўряпман. Халқаро ареналарда ҳам юқори натижаларга эришишни мақсад қилганман, — дейди Руслан Ҳасанов.

Ишонини ҳар қандай умидсизлик ва имконсизликдан эътибор ва меҳр қутқаради. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги тизимли ишлар ҳам жамиятда ўз ўрнини топиш истигадиги имконияти чекланган юртдошларимиз учун зарур имконият бўлиб хизмат қилади.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

## Аграр тармоқ



Бу йил ҳосили учун олис тумандаги 202 фермер хўжалиги тасарруфидоги экин ерида галла етиштирилиб, ҳосилни 29 миң тоннага етказиш, давлатга сотиладиган бугдойдан ташқари ўнлаб тонна донни натуро ҳолида ишчиларга тарқатиш, соф фойда ва моддий манфаатдорлик салмоғини ошириш назарда тутилган.

Айнан галлачилик йўналишида бугунга келиб, вилоятда 65 миң гектар ерда 10 та кластер корхонаси ташкил этилиб, уларга 3,4 миң гектар ер тўғридан тўғри ажратиб берилган. Шунингдек, 61,6 миң гектар галла майдони 3038 фермер хўжалигига бириктирилган.

Президентимизнинг 2022 йил 28 майдаги “Галлани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини галлачилик кластерлари ҳамда фермерларга бугдойини бозор нархида тўлиқ эркин сотиш ҳуқуқини берди. Бу эса, аввало, фермер хўжалиги, қолаверса, хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ва даромадини оширмоқда.

Ғ.АБДУСАЛОМОВ,  
журналист

## Ғалладан бўшаган ерда ПАХТА ЕТИШТИРИЛАДИ

Мутахассислар фикрича, ёз жазирасида ерга чигит экиб, ҳосил олиш кишлоқ хўжалигида кузатиладиган ноёб ҳодиса. Чунки бу ғўза вегетацияси билан боғлиқ агротехник изчил парваришни тақозо этадиган ҳолат. Ўтган йилларда Бухоро вилоятида ёз фаслида чигит экиб, пахта етиштириш тажрибаси шаклланди ва бу ўзини оқлаши айтилмоқда. Соҳа масъуллари ҳисоб-китобига қўра, Олот туманида ғалладан бўшаган ерда парваришланадиган “С-37-47” навли ғўзадан кеч қузга бориб, 1500 тоннадан зиёд пахта хомашёси олиниши кўзда тутилмоқда.

Айни вақтда олотлик деҳқонлар галла ҳосилини йиғиб олиш ишларини якунига етказмоқда. Ғалладан бўшаган майдоннинг бир қисмида чигит экиш ишлари ҳам жадал бошланган. Аниқроғи, жорий мавсумда олотлик миришкорлар ғалладан бўшаган миң гектар майдонда пахта етиштиришга киришган. Бунинг учун ғалладан бўшаган ер сомондан тозаланиб, тупроқ намлигини сақлаган ҳолда чигит экилмоқда.

Кишлоқ хўжалигида кўп йиллик тажрибага эга олотлик миришкорлар кейинги йилларда жами 18 миң 135 гектар ерда деҳқончилик қилаётти. Жорий йилда шундан 7652 гектаридо саноат учун 15 миң 370 тоннадан ортқ пахта етиштириш кўзда тутилган. Шунингдек, ҳудудда 5369 гектардан ортқ давлат хариди бўйича 15 миң 370 тоннадан ортқ сара бугдой етиштирилди.



## Худудлар ҳаёти

# ИМКОНСИЗЛИК БУГУННИНГ ГАПИ ЭМАС

Халқ орасида “Мамийнинг кенг даласи” дея аталувчи Шуманай азалдан ғўзал табиати, меҳнатсевар одамлари билан машҳур. Талабалик давримизнинг муайян қисми Шуманайнинг пахта далаларида ўтган. Шу боис, тумани анча яхши биламан. Бугун Шуманай кечагидек фақат пахтачиликка ихтисослаштирилган, одамлари фақат пахта етиштирадиган туман эмас. Ваҳоланки, чорак аср илгари ушбу худудда иқтисодий ривожланишнинг бошқа имконияти йўқ эди.

Мамлакатимизда кечаётган изчил ислохотлар туйғули туманда замонавий мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб бинолари қурилмоқда, бизнеснинг истиқболли йўналишларини ривожлантириш, кишлоқ хўжалигида янги ерлар очиб, маҳаллаларни обод қилиш, тиббий хизматни яхшилашга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қисқаси, 57 миңга яқин аҳоли истиқомат қилаётган туман сўнгги 5-6 йил ичида жуда катта ўзгаришларга юз тутди.

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга 2017 йилги ташрифи чоғида берилган топширигидан сўнг “Prom Servis Shomanay” корхонаси томонидан лойиҳа қиймати 1 миллиард сўм, йиллик қуввати 2 миллион 400 миң дона полиэтилен қоп ишлаб чиқариш лойиҳасига киришилди. Хориждан замонавий асбоб-ускуналар келтирилди. Натижада 2019 йил март ойда корхона ишга туширилди. Бу билан нафақат 30 кишининг бандлиги таъминланди, балки ҳудудга саноат кириб келди.

— Нега йиллардан буён уйда ўтирган эдим, — дейди “Мамий” овул фуқаролар келтирилган презент ва габардин матоларини ишлаб чиқарувчи йирик корхона ҳам шу ерда барпо қилинди. У Марказий Осиёда ягона. Пахта чиқиндисидан брезент ишлаб чиқарувчи “MIDASIA” корхонасининг умумий лойиҳа қиймати 41,9 миллиард сўмни ташкил этади.

— Лойиҳа учун “Моншакли” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан 5,88 гектар ер ажратилди, — дейди корхона раҳбари



бўлган ип-калава ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш белгиланди. Лойиҳа ижросини “SHOMANAY ЕКО ТЕКС” корхонаси ўз зиммасига олди. Бунинг учун ҳоқимлик томонидан 9,6 гектар ер ажратилди. Корхонага Швейцария, Япония ва Туркиядан жами 14 миллион долларлик жиҳозлар келтириб ўрнатилди. Корхона 2020 йил март ойдан дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқара бошлади ва 2023 йилгача 20 миң тонна пахта толаси қайта ишланиб, 10,8 миллион долларлик ип-калава экспорт қилинди. Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Россия, Эрон ва Туркия сингари давлатлар асосий харидорлар сафида.

Айни пайтда 450 дан ортқ ходим 3 сменада ишламоқда. Уларнинг 95 фоизи аёллар ва ёшлар. Бундан ташқари, корхона фаолиятини кенгайтириш мақсадида 2024-2026 йилларда иккинчи босқич — “Сунъий тола аралашмали мато ишлаб чиқариш ва сунъий тола аралашмали мато бўяш” лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

Дарҳақиқат, туманда олдин имконсиздек туюлган ишлар амалга оширилмоқда. Шу пайтгача фақат Россия ва Хитойдан келтирилган брезент ва габардин матоларини ишлаб чиқарувчи йирик корхона ҳам шу ерда барпо қилинди. У Марказий Осиёда ягона. Пахта чиқиндисидан брезент ишлаб чиқарувчи “MIDASIA” корхонасининг умумий лойиҳа қиймати 41,9 миллиард сўмни ташкил этади.

— Лойиҳа учун “Моншакли” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан 5,88 гектар ер ажратилди, — дейди корхона раҳбари



Улугбек Сатторов. — У 2023 йил ноябрь ойида ишга туширилди ва 120 та янги иш ўрни яратилди. Бугунги кунда корхона таъсисчилари ўзгартирилиб, қўшимча жиҳозлаш ишлари олиб боришмоқда.

Туманда кичик саноат зонаси ҳам ташкил этилган. Саноат зона худудидоги лотлар тадбиркорларга ажратиб берилган. Ушбу саноат худудидо “LIANTAI KC LICORICE” корхонаси томонидан 2 миллион доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция эвазига “Қизилмия илдинини қайта ишлаш заводи қуриш” лойиҳаси амалга оширилди. Бу ерда хитойлик ҳамкорлар билан қизилмия илдинини экстракти кукун ҳолида ишлаб чиқарилапти.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида жорий йилда яна 2 миллион доллар миқдорда тўғридан тўғри хорижий инвестиция жалб этилди. Бунинг ҳисобига 40 та янги иш ўрни яратилди. Жамоа йил якунига қадар 32,1 миллиард сўмлик 500 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш ва 2,2 миллион долларлик экспортни амалга ошириши мўлжаллаб турилди.

Шуманайдаги бугунги ўзгаришлар йиллар давомида пахта етиштириб келган одамлар турмушига ҳам ўзгача фойда ва барака бахш этмоқда. Тумандаги қурилши ва ободонлаштириш ишлари, тадбиркорликнинг фаол қўллаб-қувватланаётгани бунга асос яратяпти.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Буюк ўзбек йўли

ДУНЁГА ЮЗ ОЧГАН ЎЗБЕКИСТОН

Бошланиши 1-бетда

Шу йил баҳорда қизиқ ҳолат бўлди. Ўн уч яшар ўғлим мактаб ҳовлисида кўчат эккан...

Янги Ўзбекистондаги энг катта ижобий ўзгаришлардан бири, шубҳасиз, пахта терими мавсумидаги мажбурий меҳнат экани ҳақида айтилди...

Уша вақтларда мажбурий меҳнатга жалб қилинганлик ҳақида тез-тез хабар бериларди. Чунки ислохотлар кўламини, унинг орта...

Давр инсонлар қарши билан ўзгаришларга юз тутайди. Бир пайтлар мажбурий меҳнатни табиий қабул қилардики...

Энди дастлабки қадамларда қотиб қолиш мумкин эмасди. Аксинча, муносиб меҳнат тамойилларини илгари суриб, меҳнат муносабатларини халқаро стандартларга олиб чиқиш керак эди...

Вақт ўтиши билан мажбурий меҳнатга қарши курашга доир ҳужжатлар ҳам такомиллашди. Биргина мисол: Президентимизнинг 2019 йил 30 июлдаги фармони билан бу борада қатор ислохотлар белгиланди...

Аслида, улар ўзини Ўзбекистон фуқароси санар ва бу расмий жиҳатдан қайд этилишини чин қалбдан истарди. Улар орзу қилиб келган мақсадларига эришди. Жуда кўпбал яшаш билан биргача, “Меҳр” инсонпарварлик операциялари амалга оширилди...

Бундан ташқари, турли сабаблар билан юртдан олисда оғир вазиятга тушиб қолган ўзбекистонликларга ҳам катта эътибор берилди. Жумладан, “Меҳр” инсонпарварлик операциялари амалга оширилди...

Озиқ-овқат хавфсизлиги Охириги йилларда дунёнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қиёфаси тубдан ҳуқуқидир. Инсон қадри учун бошланган ислохотларнинг кейинги босқичида айнан шу жиҳатларга кўпроқ эътибор берилмоқда...



жумладан, ижтимоий-иқтисодий кўмак берилди. Бу эса, ўз навбатида, халқаро ҳамжамият томонидан ҳақли равишда “Бошқа давлатлар учун ўрнак бўладиган намунадир”...

Умуман олганда, ўтган қисқа вақтда инсон ҳуқуқлари борасида юртимизда кўп-кўп ислохотлар амалга оширилди. Аммо улар худди мажбурий меҳнат каби ҳар қуни ҳам эсланмайди. Шу ўринда яна бир савол туғилади: инсон ҳуқуқлари нимага иборат?

Биз кўпинча бу саволга таълим олиш, қулай меҳнат шaroитида ишлаш, сайловларда қатнашиш каби нарсани санаймиз. Ҳеч шубҳасиз, булар инсон ҳуқуқлари деб очаси. Шу билан бирга, соғлом турмуш тарзига тўла амал қилиб яшай олиш ҳам инсоннинг

Мамлакатимиздаги ислохотлар кўлами ва дунё аҳлини ўзига қаратаётган бу каби жиҳатларни яна узоқ санашимиз мумкин. Аммо буларнинг барчаси бориб битта нуқтада бирлашади. У ҳам бўлса, аждодлар орзу қилган комил инсон қиёфаси, сўз ва амал бирлигидир.

Озиқ-овқат хавфсизлиги

Охириги йилларда дунёнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қиёфаси тубдан

ўзгарди. Ҳамон тўхтамаётган урушлар, саноат, ишлаб чиқаришдаги бефарқлик каби ўнлаб сабаблар туфайли иқлим ўзгариши авж олди.

Мамлакатимиздаги ўзгаришлар нафақат миллий, балки халқаро манфаатларни ҳам ҳимоя қилишга қаратилган. Масалан, халқаро минбарларда давлатларни экологик масалаларга жиддий эътибор беришга чақиряпти. Айни дамда сўз ва амал бирлиги тимсолида Оролинг куриган тубига экилган ниҳоллар конинотдан кўриниш берди.

Қолаверса, чиқиндиларни қайта ишлаш, тартибга келтириш борасида ҳам жуда катта қадамлар ташланди. Биргина мисол: шу йил 4 январда Президентимизнинг “Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжат экологик барқарорликка хизмат қилади. Уни ўз-ўзидан, озиқ-овқат хавфсизлиги учун ташланган қадам ҳам дейиш мумкин. Чунки фақат экологик барқарорлик мавжуд жойда тоза, сифатли маҳсулот етиштириш мумкин. Мазкур омиллар бевосита иқтисодиётга, барқарор ривожланишга таъсир қилади.

БМТ Бош қотиби Антонио Гутерриш: “Ўзбекистондаги ислохотларни кузатар эканмиз, тўлақонли равишда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига мос келишига иқдор бўлдики. Шу билан бирга, 2030 йилга қадар белгиланган кун тартиби айнан Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган стратегик режада ҳам ҳамоҳанг равишда акс этганини кўрдик. Бу, албатта, фикрларимиз, қарашларимиз уйғунлигидан, ҳамжиҳатлигимиз юқори эканидан далолат беради”, деганида шу жиҳатларни ҳам назарда тутган эди.

Чунки кейинги йиллардаги ислохотлар сабаб Тошкентда БМТнинг яна бир махсус муассасаси — Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича халқаро жамғарма ваколатхонаси иш бошлади. Айни пайтда БМТ билан биргаликда озиқ-овқат хавфсизлиги, камбағаллик ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш ҳамда биохилма-хилликни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда.

Жаноб Гутерриш бежиз 2030 йилгача белгиланган режалар ҳамоҳанглиги ҳақида фикр юритмади. Дунёнинг нотинч ҳудудларида озиқ-овқатга эҳтиёж қанчаллик ортганини кўриб, кузатиб турибмиз. Ўрни келганда инсонпарварлик ёрдами ҳам берамиз. Шундай вазиятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар доимидан ҳам муҳим экани аққол кўзага ташланади. Шу маънода, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида бу борада муҳим вазифалар белгиляниб, тизимли тарзда амалга ошириляётгани диққатга сазовор.

Жумладан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”га амалга оширишга оид давлат дастури доирасида кўламли ишлар бажарилди. Унга кўра, 2024 йилда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш белгилянгани. Бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини 25 фоиздан ошириш кўзда тутилган.

Ушбу банд ижроси тўлиқ бажарилди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 февралдаги “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида “Ўзбекистон Республикасида 2024-2028

Бугун халқаро майдонда катта тажриба ва кўникмаларга эга шахслар мамлакатимиз тараққиётини ҳақли эътироф этиши кишини қувонтиради. Жумладан, БМТ Бош қотиби: “Жуда кўп инсонлар Марказий Осиёни дунё цивилизациясининг чорраҳаси деб атайди. Менимча, бу янглиш фикр. Мен Марказий Осиёни дунё цивилизациясининг маркази деб биламан. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Самарқанд ва Бухорога боришнинг ўзи кифоя қилади”, деди.



йилларда озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури” тасдиқланди. Дастурда мева-сабзавотни 3,2 миллион тоннага, гўштни 450 минг тоннага, сутни 3 миллион тоннага ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари улушини 40 фоизга етказиш назарда тутилган.

Мўлжалдаги маррани заёт этиш учун эса соҳада қатор имкониятлар эшиги очилди. Масалан, энди озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашчи саноат корхоналари ва экспорт қилувчилар томонидан хорижий давлатларда савдо уйи ва дўконларини очиш учун алоҳида қарорларсиз йилга 50 минг АҚШ долларигача маблағни хорижий ҳисоб-рақамларга ўтказишга рухсат берилди.

Ушбу йўналишдаги ишларни ривожлантириш агар соҳа тараққиётини тақозо қилади. Шу бонис, агар соҳани замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш белгилянгани эди. Йил бошидан буюн ушбу банд ижроси ҳам бажарилди. Хусусан, агар соҳани замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Дастурга кўра, чорвачилик, сабзавот ва поливчиллик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишларининг механизациялашганлик даражаси оширилади. Қишлоқ хўжалиги техникаларини маҳаллийлаштириш салмоғи ҳам ортади. Муҳими, миллий бренд тарғиботига жиддий эътибор қаратилади.

Мазкур ислохотлар ҳозирги глобал сиёсий жараёнларда жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб берадиган янги Ўзбекистоннинг позициясини ифодаляйди, десак муболага бўлмайди. Кўп қиррали, дўстона муносабатларни тарғиб этган мамлакат сўзда ҳам, амалда ҳам эътилоқли тарғиб этади.

Тараққиёт илдиз отган замин

Биз ҳақли равишда фахрланамиз. Чунки бошқалар ҳавас қилса арзийдиган аждодларимиз бор. Уларнинг ҳаёт тутумига эргашган

ҳолда замон билан ҳамнафас бўлиб, ёруғ келажак бунёд этилмоқда. Янги уйғониш даврига ҳам айнан бугун пойдевор қўйилляпти. Халқимизда “оқсоқол” деган ажойиб сифат бор. Одатда тажрибаси катта, кўп давралардаги жиддий суҳбатларда бўлган одамлар шундай аталади. Уларнинг гапи кўпинча ҳаётий ҳақиқатларни ифода этиши билан қадрли бўляди. Шу маънода, бугун халқаро майдонда катта тажриба ва кўникмаларга эга шахслар мамлакатимиз тараққиётини ҳақли эътироф этиши кишини қувонтиради. Жумладан, БМТ Бош қотиби: “Жуда кўп инсонлар Марказий Осиёни дунё цивилизациясининг чорраҳаси деб атайди. Менимча, бу янглиш фикр. Мен Марказий Осиёни дунё цивилизациясининг маркази деб биламан. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Самарқанд ва Бухорога боришнинг ўзи кифоя қилади”, деди.



Аждодларимиз дунё илм-фанига бемисл ҳисса қўшган. Янги Ўзбекистонда тенг имконият яратиш орқали ана шу шонли ўтмишга муносиб авлодларни тарбиялашга жиддий эътибор берилмоқда. Халқаро стандарт бўйича умумий таълим бепул қилинган. Ҳатто мактабларда давоматни тўла таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Бундан ташқари, тил, касб-хунар ўрганмоқчи бўлган ёшлар давлат томонидан бепул ўқитилмоқда. Чунки таълим олиш ҳуқуқини таъминлаб бўлдики, деган қараш билан қотиб қолганимиз йўқ. Бу янги Ўзбекистон ижтимоий давлат экани, шу орқали инсонларнинг ҳуқуқларини тўла таъминлашга жиддий эътибор берилляётганидан далолат.

Ҳеч бир даврда мамлакатлар ёлғиз ўзи тараққиёт этигани. Қайсидир давлатлар билан олди-берди, дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаган. Шу орқали ўзида йўқ нарсани хориждан олиш, етарлича маҳсулотларни бошқаларга сотиш орқали иқтисодий барқарорликка эришган.

Иқтисодий барқарорлик инсоннинг барча ҳуқуқлари таъминланишига замин яратди. Моддий тўқислик озиқ-овқат топишга,

таълим олишга имкон беради. Айнан шу жиҳат ўзи истган касб билан шуғулланиш учун қулай шaroит ҳам яратади. Ҳозир вақтингизни олиб буларни бири-бир шарҳлашимиз шарт эмас. Зеро, булар рад этиб бўлмас ҳақиқат. Демократизм, янги Ўзбекистоннинг дунёга юз очилиши, айниқса, яхши кўшничлик сиёсати мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётга жиддий ижобий ўзгаришлар олиб келди.

БМТ Бош қотиби таъбири билан айтганда, “Бугунги кунда эса минтақада янги-ча муҳит яратилди. Бу, албатта, дўстлик, ҳурмат ва масалаларни ҳамжиҳатликда кўриб чиқиш, мавжуд қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтишга асосланган муҳит бўлди”.

Яхши кўшничлик, кўп қиррали, дўстона ташқи сиёсат туфайли туризм соҳаси ҳам жадвал ривожланди.

Ўзбекистонга хорижлик сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида виза режими соддаштириш чора-тадбирларини кўриш, янги йўналишларни ишлаб чиқиш, соҳа билан боғлиқ лойиҳаларга инвестиция қилиш, йирик тадбирлар ўтказиш каби амалий ишлар қилинмоқда, — дейди “Тараққиёт стратегияси” маркази бош мутахассиси Искандар Ўроқбоев. — Масалан, 2023 йили умумий қиймати 9,5 триллион сўмлик 508 та лойиҳа амалга оширилгани ҳисобига қарий 9,5 мингта янги иш ўрни яратилди. 183 та янги меҳмонхона ва 232 та хостел фаолияти йўлга қўйилиб, жами жойлаштириш воситалари сони 5,5 мингдан ошди. Шунингдек, 452 та оливайи таълим умумий очилиб, уларнинг умумий сони 3,5 мингга яқинлашди. Сайёҳлар учун хизмат кўрсатуви 810 та янги туристик ташкилот ва турагентлар фаолияти йўлга қўйилиши натижасида улар сони 2649 тага етди.

2017-2023 йилларда Ўзбекистонга келаятган хорижлик сайёҳлар сони йил сайин ортиб борди. Хусусан, 2017 йили 2,7 миллион нафарни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб, мазкур кўрсаткич 6,6 миллионга етди. Бу эса 2017 йилга нисбатан ўсishi

2,5 баробар, 2022 йилга нисбатан эса 1,3 баробар бўлганини аналлятади. Ҳўш, қайси сабаблар туфайли дунё аҳли юртимиз бўйлаб саёҳат қилишни истаяпти? Албатта, бу ҳақда гап кетганида улар учун яратилляган имкониятлар эътироф этилиши керак. Аммо бундай шaroит бошқа мамлакатларда ҳам бор. Бу борада сайёҳ учун танлов имконияти мавжуд. Лекин у худудлар аждодлари дунё тамаддунига тош қўлаган, мамлақати цивилизациялар маркази бўлган жой эмас. Боз устига, юртимизда инсон ҳуқуқлари тўла таъминланиши, бу ерда ўзини хавфсиз ва ишончли ҳис этиши ҳам сайёҳлар эътибор қаратадиган муҳим жиҳат.

Мамлакатимиздаги ислохотлар кўлами ва дунё аҳлини ўзига қаратаётган бу каби жиҳатларни яна узоқ санашимиз мумкин. Аммо буларнинг барчаси бориб битта нуқтада бирлашади. У ҳам бўлса, аждодлар орзу қилган комил инсон қиёфаси, сўз ва амал бирлигидир.

Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ислохотлар амалда

ИСТИҚБОЛЛИ ДОЙИҶА ВА ТАШАББУСЕЛАР

ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ



Баҳром НОРҚОБИЛОВ, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси

Озиқ-овқат хавфсизлиги — бугун дунё миқёсида катта эътибор қаратилаётган йўналиш. Зеро, аҳоли сони ортиб бориши, иқлим ўзгариши, экологик вазиятнинг тобора ёмонлашаётгани мана шундай ёндашувни талаб этмоқда. Сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида эса чорвачилик алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, давлатимиз раҳбари жорий йил 25 июнда чорвачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича тақлифлар тақдимоти билан танишиш чоғида таъкидлаганидек, аҳолининг кундалик истеъмолида гўшт, тухум, сут ва улардан тайёрланган маҳсулотлар катта ўрин эгаллайди. Шу боис, мамлакатимизда паррандачилик, қорақўлчилик ва эчкичиликни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилмақда.

Айни пайтда Марказий Осиё давлатлари ҳар йили 31,5 миллион долларлик 3,5 миллион бош насли жўжани Венгриядан импорт қилмоқда. Шундан 18 миллион доллар еки 2 миллион боши Ўзбекистонга тўғри келади.

“Aviagen Group” компаниясининг 1-тартибли генетикаси Россия, Туркия, Хитой ва Покистонда мавжуд бўлиб, улар 2-тартибли генетикани етказиш билан шуғулланади ҳамда минтақада парранда гўшти савдосини назорат қилади. Шу боис, яқинда “Aviagen Group” компанияси билан тўғридан тўғри ҳамкорлик қилиш бўйича келишувга эришилди.

Қарорда, шунингдек, кичик қувватли паррандачилик фермалари билан кооперация тизимига асосланган Агропарранда кластери ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Шу аснода Зомин, Бахмал, Булунгур ҳамда Ғаллаорол туманларида 1-тартибли генетика корхонаси ташкил этилади. Паркент ва Оҳангарон туманларида эса 2-тартибли наслчилик хўжалиги фаолияти йўлга қўйилади. Йилга 700 минг тонна омукта эм ишлаб чиқариш ҳамда йилга 100 минг тонна барпо этилади.

Бундан ташқари, 2030 йил 1 январгача паррандачилик маҳсулотлари етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари юридик шахслардан олинанидан ер солиғини (экин майдонларидан ташқари) тўлашдан озод этилади. 2024 йил 1 июндан бошлаб эса парранда гўштини экспорт қилишда барча чеклов бекор қилинади. Чунки ҳозиргача бизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида парранда гўштини экспорт чеклови бўлган. Парранда маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси эса жуда паст ва экспорт имкониятидан тўлиқ фойдаланилмаётган эди. Шу боис,



2024-2025 йилларда паррандачилик маҳсулотлари экспорт ҳажмини 2 баробар ошириш, яъни 28 миллион доллардан 55 миллион долларга етказиш мўлжалланмоқда. Кооперация тизимида паррандачилик маҳсулотлари етиштиришга доир “тайёр бизнес” лойиҳаларини амалга ошириш бўйича бутунлай янги тизим қўлланади. Бундай лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этиш учун “Паррандасаноат” уюшмаси таъсисчилигида “Parranda invest” МЧЖ ташкил этилади. Биринчи босқичда илк лойиҳалар Сайхунбод ва Кўкдала туманларида амалга оширилади.

Машҳур номни тиклаш масъулияти

Қорақўл қўйларини номи бир пайтлар жуда машҳур эди. Худуднинг қорақўлчилик бўйича таърибаси ҳамда етиштирган



маҳсулотлари етиб бормасан бозор ёки хонадон йўқ эди, ҳисоб. Лекин муайян муддат бу ном эсдан чиқди. Соҳадаги камчилиги ва муаммолар қорақўлчилик ривожига тўсқинлик қилди.

Ҳозир юртимизда 39 та қорақўлчилик хўжалиги бор. Бухоро вилоятидаги 2 миллион гектардан зиёд яйловда 2 миллион бош қўй боқилапти. Бу, албатта, етарли эмас. Шу боис, тақдиримизда қўйини кооперация асосида хонадонларда боқиб тақлифи билдирилди. Қорақўл, Қоровулбозор, Ғиждувон, Пешку, Жоңдор, Олот туманларида аҳолига қўй етказиб берилиб, яйлов ва қудуқлар ажратилди. Озуқабоп ўсимликлар майдони кенгайтирилади. Бу каби чора-тадбирлар орқали қорақўл қўйини 7 миллион бошга етказиш режалаштирилмоқда.

Тахлилларга кўра, ўтган йил қорақўл наслчилик хўжаликлариде қўйлар сони 2022 йилдагига нисбатан 8 минг бошга кўпайган. Иккита қорақўл териси ҳамда бешта жуни қайта ишлаш корхонаси ташкил этилиб, йиллик 100 минг дона тери ҳамда 3 минг тонна жуни қайта ишланмоқда. Янги иш бошлаган олтита омукта эм ишлаб чиқариш корхонасида эса 60 минг бош майда шохли молни озуқа билан таъминлаш имконияти яратилди. 1,3 миллион долларлик қорақўл тери, жуни, кигиз маҳсулотлари хориз бозоридан сотилди.

Яйловлар деградациясининг олдини олиш мақсадида 4 минг гектар ерда қўй-йил озуқабоп ўсимликларининг уруғчилик майдонлари ташкил этилди.

Умуман, икки йилда Бухоро вилоятида аҳоли хонадонларида қорақўл зотли қўйлари кооперация усулида боқиб бўйича янги механизм жорий қилинади. Бунда қорақўлчиликка ихтисослашган Қорақўл, Қоровулбозор, Ғиждувон, Пешку, Жоңдор, Олот, Шофиркон туманлари яйлови атрофида яшовчиларга 30 минг бошдан ортқ қўй қорақўлчилик хўжаликлари томонидан етказиб берилади. Қўйлар “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида ажратилган маблағ ҳисобидан харид қилинади. Уларни боқиб учун 103 минг гектар ер ажратилади. Сув билан таъминлаш учун эса “Яйлов хўжаликлари ривожлантириш” уюшмаси томонидан 100 та қудуқ қазиб берилади. Испаниянинг “Овиген” ҳамда Португалиянинг “Фертипрадо” корхоналари Қоровулбозор ва Жоңдор туманларида қорақўл қўйлари боқиб ҳамда яйлов ўсимликлари уруғчилиги пилот лойиҳасини амалга оширади.

Жорий йил ноябрга қадар Жоңдор туманида “Бухоро қорақўлчилик станцияси” ташкил этилади. Бу ерда қорақўлчиликни илмий асосда ривожлантириш, наслини яхшилаш мақсадида 4 минг бош қорақўл қўйи кўпайтирилади.

Асосий бойлик одамлар қўлида

Чорва — катта хазина. Уни кўпайтириш орқали эса ана шу хазинани янада тўлдириб бориш мумкин. Чорва барака ҳамдир. Қайси ҳовлида бирор қўй, қорамол ёки парранда

парваришланаётган бўлса, билинги, ўша хонадонда сут, қаймоқ, гўшт каби кундалик эҳтиёж учун зарур маҳсулотлар етарли. Бунинг учун ортқича харажат қилиш шарт эмас.

Бугун мамлакатимизда 41,3 миллион бош уй ҳайвони мавжуд бўлса, шундан 14 миллион боши йирик шохли, 24 миллион майда шохли чорва моли, 276 минг от, 21 минг туядир. Йирик ва майда шохли молларнинг 10 фоизи фермер хўжаликларида, 90 фоизи деҳқон ва шахсий хўжаликларда боқилмоқда.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузурда 2023 йилда Хайвонларни идентификация қилиш маркази ташкил этилиб, 2024-2026 йилларда хайвонларни идентификация қилиш чора-тадбирлари белгиланди. Хайвонларни идентификация қилиш, электрон ахборот тизимини такомиллаштириш ҳамда унга қушона ва мол бозорларини интеграция қилиш тадбирларига Жаҳон банкидан 33 миллион доллар маблағ ажратилган.

Жаҳон хайвонлар саломатлиги ташкилоти (WOAH) кўрсатмасига асосан, хайвонларни идентификация қилиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Мазкур тадбирлар мол эгаларига қўшимча мажбуриятлар юклагани боис, соҳадаги муносабатларда қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурлиги аён бўлмоқда.

АҚШ, Хитой, Мексика, Туркия, Россия, Беларусь, Украина, Қозоғистон, Молдова, Франция, Нидерландия, Польша, Чехия, Янги Зеландия сингари давлатларда хайвонларни идентификация қилиш масалалари қонун билан тартибга солинган.

Шунингдек, Жаҳон савдо ташкилоти талабига кўра, чорвачилик озиқ-овқат маҳсулотлари (гўшт ва сут маҳсулотлари) хавфсизлигини таъминлаш, уларни экспорт қилиш учун хайвонларни рўйхатда олиш мажбурийдир. Қолаверса, хайвонлар идентификация қилинган мамлакат чорва касаликларидан холи ҳудудга айланиб, профилактика ва эпизоотик ҳолат бўйича маълумотлар электрон мониторинг қилиш имкониятига эга бўлади. Хайвонларни идентификация қилиш, биринчи навбатда, истеъмолчилар саломатлиги ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда эпизоотик тадбирларни қайд этиш учун ҳам зарур қараёндир.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг шу йил 25-26 март кунлари Наманган вилоятига ташрифи доирасида Поп туманида қўмитамиз ҳузурдаги Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш марказининг Поп тумани филиали ташкил этилди.

“Қайрал” наслчилик хўжалиги (Тоғли Олтой Республикаси)дан “Алтайская белая пухова” зотли минг бош насли эчки олиб келинди. 2025 йил мартда улар сони 5 минг, келгусида 15 минг бошга етказилади.

Ҳозир Наманган вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ўш шариотига эчки боқиб кўпайтириш ва касаначилик асосида жундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш истаги мавжуд хонадонлар ўрганилмоқда. Насли эчкилар арзон нархда “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида аҳолига ажратилган 33 миллион сўм (20 бош эчки) имтиёзли кредит асосида тарқатилади. Мўғлистон таърибаси асосида жун етиштириш йўналишида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятларида 5 минг бошдан жами 25 минг бош жонивордан иборат эчкичилик кластерлари ташкил этилади.

Чорвачилик йўналишидаги бу каби лойиҳа ва ташаббуслар тармоқ тараққиётини таъминлаш баробарида, иқтисодийташқи барқарорлиги, одамлар турмуши яхшиланишига ҳам муносиб ҳисса қўшади, албатта.

Кун мавзуси

“...У даврларда ҳар кунни махсус машинада нон тарқатиб, бир оилага битта буханкадан ортқ берилмасди. Оқ нон келган кун биз учун байрам эди. Деҳқончиликнинг ҳадисини олган халқ бўлсак-да, дўконларда ун, нон маҳсулотлари тақчил бўларди. Ҳозиргидек тури-туман нон қаёқда дейсиз...”

Дастурхон атрофида тўпланганда кексалар айтиб берадиган бу гаплар ўрта ва катта ёшлиларнинг ҳамон ёдида. Унча ишонмасак-да, ўша қийинчиликларни худди кўргандек тинглардик. Ҳозир айтсангиз, ёшлар учун бу эртадек эшитилади. Бугун хонадонларда бундай гаплар айтилмай ҳам қолди. Энди суҳбатларимиз бозорларимизнинг тўқин-сочинлигино дўконлардаги хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари, анқонинг уруғидан бошқа топилмайдиган ҳар турдаги ноз-неъматлар ҳақида боради.

Тўғри-да, бугун шуларни гапирсак арзийди. Ўзбекистон кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини тубдан такомиллаштириб, соҳада катта ютуқларга эришаётган давлатлар қаторига қўшилди. Деҳқон ва фермерларимиз ҳақиқий тадбиркорга айланди. Энди мева-сабзавотни нафақат етиштириш, балки қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантиришда ҳам илгорлар сафидамиз. Айниқса, қишлоқ хўжалигида илмий ёндашув унумдорлик ва ҳосилдорликни тобора оширапти.

Илгор технологиялар ривожлангани сари соҳалар ҳам тараққий этиб бораверади. Қишлоқ хўжалигида бунинг янада соддароқ тушунириш мумкин. Масалан, ер ҳайдаш, экинни исталган вақт ва шариотда экиш, ариққа қачон сув келса, ушанда сугориш қаёқдаю, мана шуларнинг барчасини илмий

ТАКРОРИЙ ЭКИНДА БАРАКА БЎЛАДИ



асосланган технологиялар, ресурстежамкор қурилмалар ёрдамида аниқ бажариш қеарда. Уртадаги фарқни нафақат соҳа мутахассислари, балки оддий одамлар ҳам алақачон тушуна бошладди. Масалан, бу йил ғалла ҳосили учун биологик эскирган навлар ўрнига янги серҳосил ва об-ҳавонинг ноқулай шароитига чидамли кузги бугдой навлари майдони 585 минг гектарга кенгайтирилди. Экин мавсумида 105 минг гектар майдон замонавий лазерли технология ёрдамида текисланди, 300 минг гектардан ортқ очиқ майдонга илгор дон экиш сеялқаларида экилди. Натижада белгиланган ҳажмдаги бугдой барча худудда 15-16 иш кунига жамгарилди. Замонавий техникалардан фойдаланиш экин ишларини ўтган йилларга нисбатан 10-12 кун эрта якунлаш имконини берди. Шунингдек, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун субсидия ажратилгани туфайли ёмғирлаб сугориш тизимини ўрнатилган ғалла майдонлари янада кенгайди.

Ҳозирги деҳқон ва фермерлар ҳар қарич ердан унумли фойдаланишни билади. Бир йилда бир ҳосил олиб, қолган вақтда шунинг даромадига кун кўрадиган даврлар ўтди. Бугун ер эгалари йилга 2-3 марта ҳосил олиб, даромадини бир неча баробар оширишни яхши ундайлапти. Давраларда ғалла ўрим-йиғими ҳали давом этаётган бўлса-да, бўшаган майдонга пешма-пеш такрорий экинлар экиляпти.

— Бу йил ғалладан бўшаган 923 минг гектар майдонга такрорий экин экиш режалаштирилган, — дейди Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи Зокир Алламуродов. — Ҳозирга қадар 595 минг гектарга дуккакли, озуқа экинни, сабзавот, картошка, полиз ва шולי экилиб, сугориш ишлари бошлаб юборилди. Аҳамиятисиз, энди бу ердан ёшлар, аҳоли даромад топиш мақсадида фойдаланади. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида фермер хўжаликларининг бўшаган ғалла майдон экинсиз қолдирилмайди. Ишсиз фуқаролар, деҳқончилик қилиш ниятидаги ёш оилалар озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда чорва учун озуқа етиштирилади. Айниқса, бу йил 500 мингдан ортқ ёшнинг такрорий экин экишда мавсумий бандлиги таъминланади. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 апрелдаги “Ёшларга ер

ажратиб орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан талабдор йиғит-қизларга 60 минг гектар ер ижарага берилади. Уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, ердан самарали фойдаланишнинг таъминлаш учун Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузурдаги жамғарма томонидан 21 577 ёшга минг техника, уруғ ва қўчат учун 30,4 миллиард сўм кредит ажратилди. Такрорий экинда барака бўлади. Одамлар ўзи билдирган, тушунадиган экин тури, сабзавот ёки дон маҳсулотини етиштириб, бозорга олиб чиқади, сотиб даромад топади. Шу боис, ғалладан бўшаган ерни ижарага олишга талабдорлар доним кўп бўлади. Биргина Наманган вилояти мисолида олсак, жорий мавсумда ғалладан бўшаган 73 минг 555 гектар хўжаликлар ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузурдаги жамғарма томонидан 21 577 ёшга минг техника, уруғ ва қўчат учун 30,4 миллиард сўм кредит ажратилди. Такрорий экинда барака бўлади. Одамлар ўзи билдирган, тушунадиган экин тури, сабзавот ёки дон маҳсулотини етиштириб, бозорга олиб чиқади, сотиб даромад топади. Шу боис, ғалладан бўшаган ерни ижарага олишга талабдорлар доним кўп бўлади. Биргина Наманган вилояти мисолида олсак, жорий мавсумда ғалладан бўшаган 73 минг 555 гектар хўжаликлар ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузурдаги жамғарма томонидан 21 577 ёшга минг техника, уруғ ва қўчат учун 30,4 миллиард сўм кредит ажратилди.

78 гектар майдон ҳам такрорий экин экиш учун 63 оила ихтиёрига берилади.

Ерни ижарага олган фуқароларга экин экишдан ортқиб, маҳсулотни йиғиштириб олгунгача бўлган жараёнда мутахассислар тавсия бериб қўмақлашади. Бунинг учун ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этилган. Улар Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши мутахассислари билан ҳамкорликда такрорий экин экиш учун ер тайёрлаш, экиш, моддий-техник ресурслар таъминоти, агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага олиш, ички ва ташқи бозорга етказиб бериш бўйича амалий кўмак ва тавсиялар беради.

— Ғалладан бўшаган ер такрорий экин экиш охириги йилларда кенг жорий этилиб, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда муҳим омиллардан бирига айланди, — дейди Зокир Алламуродов. — Бу амалиёт ердан унумли фойдаланиш ва майдон биргаликда кўп миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотли олишга имкон беради. Асосийси, ерга қадалган уруғдан шу йилнинг ўзида ҳосил олинади. Экинлар тури об-ҳаво, иқлим шароити, бозор талаби каби қатор омиллар асосида танланади. Жорий йилда такрорий экин сифатида асосан, маккажўхори, жўхори, нўхат, мош ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экишни тавсия қилинмоқда.

Бугун юртимизда иш билан банд аҳолининг 25 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоғида фаолият юритётгани айтилмоқда. Уларнинг кўпи соҳа имкониятидан қўшимча даромад топиш учун фойдаланаётгани қувонарли. Нафақат, деҳқон ва фермер, балки томорқа эгалари ҳам хонадониде маҳсулот етиштириб, ўзини ўзи банд қилган ҳолда даромад топишади. Бу борада мамлакатимизда ўзига хос таъриб мактаби шаклланди. Жорий йилда юртимизда деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ҳажми 4 фоз ўсиши кутилмоқда. Бунда ер билан тиллашган ҳар бир кишининг ҳиссаси бўлади. Етиштириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари эса дастурхонимиз таъминлигини таъминлаб, иқтисодий фаровонлигимизга хизмат қилади.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

## Огоҳлик қўнғироғи



# ЎЗГАРАЁТГАН ОЛАМ

## Унда ёшлар қандай йўл тутиши керак?

### Катта қамров — катта натижа, дегани

Катта ҳаётга энди қадам қўётган йигит-қизга маърифат эшигини ёпангити, унга кимдир жаҳолат эшигини, албатта, кўрсатиб юборади. Яъни яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам муттасил тарафдорларини излайди. Бугун ёшларни маърифатга ошно қилиш сиёсат даражасидаги масалага айланди. Ўзбекистон эса бу борадаги саъй-ҳаракатлари билан юқори натижалар қайд этаяпти. Давлатимиз ҳар бир ёшнинг бандлигини таъминлаш бўйича аллақачон катта тажрибага эга бўлиб улгурди.

Бугун ҳар қайси ўғил-қиз эътибордан четда эмас. Ёшларнинг иқтидори, имконияти ҳатто энг қуйи бошқарув бўғини — маҳалла даражасига тушиб ўрганилмоқда. Бу жуда тўғри қарор. Ахир кимдир ёшларимизни тафаккурдан мосуво этишга тинмай ҳаракат қилаётган бир паллада бунга жим томошабин бўлиб қараб туриш соғлом ақлга ярашадими?

Бу ерда эришилаётган натижаларни қайд этиб, узундан-узун рақамларни илова қилишдан йироқмиш. Сабаби, барчамиз буларнинг амалдаги ифодасини ён-апрофимизда кўриб-билиб юрибмиз. Қанчадан-қанча ишсиз ёшларимиз касб-хунар мактабларида ўқитилипти, ишга жойлаштирилипти. Бир пайтлар қўлида тайинли хўнари ва билими йўқлиги туфайли хорижга ишга

танловига эга бўлиши лозим. Танлови йўқ инсонга тақлиф тинмайди. Энг яхши танлов эса билимдир. Дунёни ақл бошқаришми, демократияга фақат билим билан қарши тура олиш мумкин. Ҳеч бўлмаса, бу орқали ҳимояланиш имконияти мавжуд бўлади. Билим йўли — энг тўғри, шунингдек, эришиш мумкин бўлган энг осон танлов ҳамдир. Сабаби, сиёсатдан фарқи ўлароқ, илм-фан очик муҳитда қарор топади. Манбаларни топиш бирмунча қулай. Бироқ ҳақсала-чў? Тобора қулайлашиб бораётган турмуш тарзида ҳақсалаши шакллантириш қанчалик осон?

Ҳақсалашлик аллақачон одамзоднинг оғриғига айлиниб улгурди, мотивация сотиш билан шуғулланган тадбиркорларнинг бозори гуллагани сабаби ҳам шундан. Аслида, мотивация сотиб олишга арзийдиган пулгоҳ соғинганми? Интернет маълумотларига кўра, мотиватор, деган тушунчанинг пайдо бўлиши XXI аср бошларида тўғри келади. Тараққиёт тезлашуви бизнес эгаларидан катта босимга бардош талаб қила бошлади. Тўғрироғи, мотиваторлар дастлаб муваффақиятга эришиб улгурганлар учун қўшимча руҳлантурувчи сифатида хизмат қиларди. Бироқ орадан вақт ўтиб, омадли инсонлар орасида бундай мотивациядан тўйиниш жараёни юз берди. Энди уларга мотиватор керак эмасди. Бундай жараёнда эса улар ўз рақибларини ҳеч қандай натижага эришмаган оммага, асосан ёшларга қаратади. Натижа шу бўлдики, улар ёшлар орасида илгаригидан-да кўп шухрат қозониб, бойлиги ҳам кўпайгандан кўпая борди. На маҳаббат, на иқтисодий аҳвол, на маданият ҳисобга олиниб, синдирилган мотивация бизнес дунё бўйлаб катта тушқунлик ҳосил қилди.

Ёшлар орасида умидсизликни камайтириш ўрнига кучайтириб юборди. Мотивация бизнеси мамлакатимиз ёшларини ҳам четлаб ўтмади, тўғрироғи, бундай хавфдан уларни ўз вақтида ҳимоя қилолмади. Умирнинг шуурини қопга қиёсласак, мотивация уни бугудой ёки ун каби бирор маҳсулот билан эмас, қурак ҳаво билан тўлдирди. Энди тасаввур қилинг: мамлакатимизда мотиваторлар пайдо

“Оқ” деганда яхшилик, “қора” деганда эса ёмонлик назарда тутилганини барчамиз яхши биламиз. Дунё, одамзод ҳаёти ана шу икки тарафнинг муттасил курашидан иборат бўлиб келган. Инсоният ҳаётининг ҳеч бир даврида бу икки куч орасидаги кураш бутунгидек кучли, ниқоблар остида кечмагани аниқ. Айниқса, янги аср бошидан бу кураш шунчалик ёйилди, у кириб бормаган соҳа қолмади ҳисоб. У ҳатто эътиқод масаласига ҳам сингиб борди. Дунёдан ҳузур кўтарилди. Ҳар иккаласи шундай ниқобларга кирмоқдаки, бир кўришда таниб олишга кўзининг ўзи камлик қилапти. Демак, рақобат айна даражага чиққан экан, оқ билан қорани ажратиш зарурати ҳам миллатимиз ёшлари учун ҳар қачонгидан долзарб.

Бироқ буни қандай ўрганиш мумкин? Албатта, миллий меросимизни тарғиб қилиш орқали. Мисол учун, халқ достонларини ўқир экансиз, улардаги қаҳрамонлар турли қийинчиликларга дуч келади ва уларни енгиб ўтади. Масалан, Алтомаш алп бўлгани билан камчиликлардан холи эмас эди. Нафсини тия олмагани, ўзига қаттиқ ишониб юборгани сабабли қайта-қайта панд ёйди, алданади. Бироқ хатолардан чиқарилган хулоса охири уни тўғри йўлга солиб, “оқ билан қорани танийдиган” инсонга айлантиради.

Бир ҳикмат бор: ҳато қилишни истамасанг, сenga қилинган хатоларни ўрган ва улардан хулоса чиқар. Шу маънода, ёшларни оқ-қорани танийдиган қилиб вояга етказиш учун тарихимизнинг, ота-боболаримизнинг фақат ютуқларини эмас, камчиликларини ҳам рўйроқ кўрсатиб беришимиз керак. Интернетда ўқиганларимизга кўра, инсон психологияси ютуқлардан кўра, маълумиятдан кўпроқ хулоса чиқарар экан. Энди ўйлаб кўрайлик: шу пайтгача ишланган кинофильмларда, асарларда асосий ургу нималарга қаратилган? Бу масалада ҳам жиддий бош қотиришимиз керакдир...

### Келажакни қандай қаршилаш керак?

“Келажак” деган тушунча ҳам тобора нисбийлашиб бораётир. Таваккал билан фаровон келажакка эришиш имконсиз. Аслида, келажак қаердан бошланади? Бугун уйкуга ётамиз, эрталаб уйғонишимиз эса келажакда содир бўлади. Яъни бугун қай ҳолатда улхасак, эртага уйғонишимиз сифати ҳам шунга мос бўлади. Демак, келажак қандай бўлиши бугун қай тарзда яшаётганимизга боғлиқ.

Ҳозир таълимга сусткашлик билан қараб, келажак авлод орасидан илм-фан даҳоларини куттиш — бутунлай таваккалчилик. Чунки ёшларни бугун ташқи таъсирлардан ҳимоя қилимай, эртага улардан соф миллийлик қуттишга қанчалик ҳаққимиз?

Модомики, эртанинг бугунимиздан фаровон бўлишини истар эканмиз, кунимизни меҳнатга, ҳақаратга тўлдиримиз керак. Ёшларда меҳнатсеварлик ҳисси камайиб бораётир. Йил сайин осон яшаш, имтиёзларга ўчлик истаги ортаётгандек. Бироқ ҳақиқий фаровонлик ҳаминиш қаттиқ меҳнат ортидан келишини унутмаслик лозим.

Биз кўзлаган манзил, биз истаган ҳаёт бугунги кунларимиз ортидан келади. Қўпчилик, айниқса, ёшлар орасида келажакка нисбатан қараш нотўғри шаклангандек. Яъни бугунги кунлар кун эмас, уларнинг бари сафарбарлик асосида тасаввурдаги кунлар учун хизмат қилиши, токи манзилга етмагунча доимий ички норозилик онгимизни тарқ эмаслиги керак, деган тушунча умумий кайфиятга айланиб бораётгани кишини ўйга толдиради. Менимча, бу муаммода ёшларга қарата кучли меҳнат қил, дейиш ўрнига кўпроқ сабр қил, дейи-

**“Келажак” деган тушунча ҳам тобора нисбийлашиб бораётир. Таваккал билан фаровон келажакка эришиш имконсиз. Аслида, келажак қаердан бошланади? Бугун уйкуга ётамиз, эрталаб уйғонишимиз эса келажакда содир бўлади. Яъни бугун қай ҳолатда улхасак, эртага уйғонишимиз сифати ҳам шунга мос бўлади. Демак, келажак қандай бўлиши бугун қай тарзда яшаётганимизга боғлиқ.**

### Ўзгариётган олам


бўлганидан буён неча минглаб ёшларнинг онги ҳаво билан тўлдирилди? Қизиқиб кўрсангиз, мотиваторлар намуна қилиб кўрсатадиган қаҳрамонларнинг, улар иқтибос келтирадиган китобларнинг деврли бироротаси миллатимизга, асарлар давомига яшаб келаётган эътиқодимизга хос эмас. Деврли барчасида бойлик, муваффақият ҳамда устунлик биринчи ўринга қўйилган. Савол туғилади: ҳалоллик, мардлик, одамийлик муҳиммасми? Наҳотки, муваффақият буларнинг барчасини қурбон қилиш эвазига келиши керак бўлса? Аслида, мотиваторлар ўзи билиб ёки билмаган ҳолда яширин кучларнинг мақсадини амалга оширишга ҳисса қўшмаяптими? Наҳотки, минг йиллик тарихимизда шуларнинг ўрнини босувчи асарлар ёки намуна сифатида кўрсатиладиган миллий қаҳрамонлар топилмасми?

Балки ёшларимизни шундай мотивация хуружидан ҳимоя қилиш вақти келгандир? Балки аллақачон уларнинг миллийлигимизга мос муқобил шакллари яратиш фурсати етгандир? Жиддий ўйлаб кўроғимиз зарур.

### Оқ-қорани ажратиш иқтидори

Ота-боболаримиздан бир ибора қолган: фарзанд балоғатга етганда “бу ҳам оқ-қорани танийдиган бўлиб қолди”, деймиз. Бу иборани ҳар қайсимиз бир мартаба бўлса ҳам ишлаган бўлсак керак. Қўлоққа оддий эшитилгани билан замирида катта мазмун яширин.

## Юксалиш палласи



**Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ, 30 июнь — Ёшлар кунини арафасида азму шижоати, билим ва салоҳияти билан мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фаол ёшлар “Келажак бунёдкори” медали ҳамда “Мард ўғлон” давлат муқофоти билан тақдирланди.**

# МАРЖОНАНИНГ МАРД ЎҒЛОНИ

Сариосиё туманидаги Маржона маҳалласида яшовчи Умиджон Шарипов ва Сайрам Жумаева шу кунларда тўнғич фарзанди — Иномжон Исломовнинг “Мард ўғлон” давлат муқофотини олганидан чексиз қувонч ва фах ҳиссини туймоқда.

Одатдаги тонглардан бирини маржоналиклар хушхабар билан қарши олишди. — Шарипов муаллимнинг катта ўғли “Мард ўғлон” муқофоти билан тақдирланди.

— Роҳатини кўрсин, ота-онаси шу Иномжонни деб роса заҳмат чеқди. Адирликлар бағрида жойлашган дўппидеккина қишлоқда яшаб келаётган, Шўрчи туманидаги 125-қўзи оғиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 11-синф ўқувчиси Иномжон Исломовнинг келажакка ёруғ мақсадлар билан интилиши сўхбатлашган кишини ҳайратга солади.

Ота-она фарзандининг порлоқ келажакга, камолтини ўйлаб яшайди. Ўғил-қизнинг катта-кичик ютуғи, эришган натижаси ота-онанинг жуссасига синамас даражада қувончга сабаб бўлади.

— Шу бола туғилганидан буён кўнглим қоронги эди. Қўни-қўшилларнинг оиламизга ачинишини кўриб, юрагим эзиларди, — дейди Умиджон Шарипов. — Лекин жуда ёшлигидан Иномжоннинг дунёқароши бошқача эди. Тинмай ўқиб,

— Тўнғич ўғилнинг ўқишга интилиши укаларига ҳам ўтди. Унинг изидан укалари ҳам яхши таълим олиб, хорижий тилларни ўрганмоқда, танловларда ғолибликни қўлга киритмоқда. Биласизми, маҳалладаги мактабга дастлаб етаклаб олиб борганимда қабул қилинмаган. “Қийналади, ўзлаштиришига жавоб беролмаймиз”, дейишган. Кейин ўқитувчиларни яқка тартибдаги машғулотларга жалб қилдик. Иномжон дарсларни жуда тез ўзлаштирди, устозларни эътироф эта бошлади, — дейди Сайрам Жумаева.

Дунёда истеъдодсиз инсон йўқ, фақат буни сезмайдиганлар бор, деганди олимлардан бири. Иномжон устозлари кўмағида кўриш қобилиятида нуқсонни борлар учун геометрик шакллари ўргатувчи янги ихтирога қўл урди. Хўш, инклюзив таълим учун мўлжалланган лойиҳанинг аҳамияти нимада?

— Иномжон ҳар кунини янги гоёлар билан келади. Бир кунини ишланма ва ташаббус билан келди. Уни “Геомет абакус” деб номлади. Бу — абакуснинг кўзи оғизлар учун мослаштирилган варианты. Олдин ҳеч жойда кўзга ташланмаган. Абакуснинг геометрик шакллари билан иборат, қўл билан сезиладиган тури, — дейди ўқитувчиси Сардорбек Холмиров. — Кўзи оғиз ва заиф кўрувчилар учун мослама. Шаклни тушунишни ўргатади. Бу лойиҳани биз Мактабгача ва мактаб таълими вазирига

**Дунёда истеъдодсиз инсон йўқ, фақат буни сезмайдиганлар бор, деганди олимлардан бири. Иномжон устозлари кўмағида кўриш қобилиятида нуқсонни борлар учун геометрик шакллари ўргатувчи янги ихтирога қўл урди. Хўш, инклюзив таълим учун мўлжалланган лойиҳанинг аҳамияти нимада?**

изланади. Болалигидан Президентимиз билан учрашиш орузи бор эди. Ниятнинг тўғри қилиш керак экан, мана, ўғлим бу ниятга эришди.

Давлат томонидан имконияти чекланганларга яратилаётган шароитлардан Иномжон Исломов ҳам оқилона фойдаланаяпти. Қатор фан олимпиадаларида иштирок этиб, иқтидори ва салоҳиятини намоён этиб келмоқда. Кўришда камчилик бўлса-да, тенқурларидан қолишмай турли лойиҳаларга эвазига “Таълим инфохори”, “Ёш тадқиқотчи” каби эсдалик нишонларга сазовор бўлди. Бунга ҳамоҳанг давлат томонидан эътироф этила борди. Бугун Иномжон ўзига билдирилган юксак ишончдан мамнун.

Иномжоннинг онаси билан сўхбатлашар эканмиз, йигитнинг юксак муқофотга лойиқ қўрилгани бежиз эмаслигини аниқлади. Иномжон Исломов иқтидори, салоҳияти, мусиқа билан ҳамнафаслиги туфайли юксак натижаларга эришиб келмоқда.

тақдим қилдик. Лойиҳа мутасаддиларнинг ҳам эътиборини тортиди.

Шўрчи туманидаги 125-қўзи оғиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиси Иномжон Исломов мазкур таълим масканини шунчаки тугалламапти, “Мард ўғлон” муқофоти соҳиб сифатида эътироф этиляпти.

Мамлакат ва жамият замонавий билим ҳамда технологияларни эгаллаган, иқтидорли, маънавий етуқ ёшлари билан қурапти. Бугунги имконият ва шароитлардан унумли фойдаланган ўғил-қизлар юксак натижалари билан юртимиз тараққиётини янги саҳифасини битмоқда. Бу оддий саҳифа эмас, аксинча, янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишга интилишлар саҳифаси.

**Сарвар ТўРАЕВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

**Жонибек АЛИЖОНОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

### Бошланғич 1-бетда

Яшаш — масъулият, дегани. Ёш бўлиш, келажакдаги эҳтимолий қутималарга тайёрланиш эса икки ҳисса масъулият. Маънавий хуружларнинг нишонини, аввало, ёшлар дунёқарошига қаратилаётгани ҳам шундан. Бундай вазиятда мамлакатлар ўз ёшларини ҳимоя қилиш учун нималар қилиши лозим, деган саволдан олдин, аввало, бугунги ёшлар ўзи ким, деган классик саволга яна бир бор жавоб топшимиз керак.

Ёшларга инсоният тамаддунининг бошидан буён эртанги куннинг эгаси сифатида қараб келинган. Айнан шу қараш цивилизацияларнинг асоси эди, яъни кўп нарса билан авлод кўп нарса яратилади. Ҳақиқатан, дунё мингйилликлар қаёрида ривожланиш жиҳатидан фақат олдинга қараб ҳаракат қилди, муттасил ўсди. Буларнинг барчаси илмталаблик самараси эди. Бироқ бу илмталаблик бугун шундай босқичга келиб улгурдики, инсон яратган кашфиётлар ақли билан рақобатлаша бошлади. Яъни инсон омилнинг аҳамияти пасайиб, сунъий ҳилқатларга вазифаларни бажарувчи восита сифатида қараш бошланмоқда.

Дунё қайсидаир маънода ақлга тўйинди. Ўзини дунё драйвери сифатида ҳисобловчи табакчаларга энди кўпроқ иқтидорлилар эмас, арзон ишчи кучи керак бўлмоқда. Оддий одамлар, айниқса, ёшлар арзон ишчи кучи қақомига рози бўлиши ёки шундан ҳам маҳрум қолиши керак. Сўнги ўн йилликда дунё ёшлари орасида энг омалашган одатлар асосида ўйинкароқлик, вақтни зое кетказиш ётибди. Сездирмасдан ёшлар эътибори муттасил кўнгилочар сайтлар, бехуда видеоўйинларга жалб қилинмоқда. Токи улар умрининг илм олиши керак бўлган муҳим даврини бемаънигарчиликларга сарфласин ҳамда орадан вақт ўтиб, муҳтожликка учраганида яширин кучларга арзон ишчи сифатида хизмат қилишга рози бўлсин, деган ғарз нияти яширин. Бугунги ёшлар ким, деган саволнинг жавоби бундай: ёшлар бошқарилаётган дунёнинг энг кўп талафот кўраётган қатлами.

Хўш, бунга қарши туриш мумкинми? Албатта, мумкин, бироқ бу жараён ҳар бир мамлакатдан алоҳида ёндашув талаб қилади. Келинг, уларни Ўзбекистон мисолида бирма-бир кўриб чиқайлик.





# Ўшок дарағни янгида асин

## “Ўшок” садоси

### II Халқаро мақом санъати анжуманидан кейинги ўйлар

“Буйлиги мақом фестивалини аввалгисидан ҳам ўзгача завқ ва интиқлик билан кутдик. Чунки ўтган тўрт-беш йилда мақом умумбашарий туйғуларни авж пардада тараннум этадиган нодир санъат тури эканини ҳис қила бошладик. У ўзида мусиқа, шеърият ва рақс санъатини ажойиб тарзда уйғун этган юксак тафаккур ва инсоний камолот қомуси бўлгани учун ҳам устоз санъаткор Юнус Ражабий бутун умрини мақомни тўплаш ва сайқаллашга бағишлади. Давлатимиз раҳбари санъат шинавандларини қўллаб-қўллаётган чоғда қулоғим остида Юнус Ражабий ижросидаги “Кўча боғи-2” ашуласи оҳанги ва хонанданинг дилгир овози янграй бошлади”.



**Мухтасар ТОЖИМАТОВА,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Сўхбатимиз аввалида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Муножат Йўлчиевнинг бу эътирофидан сўнг бизнинг қалбимиз пучмоқларига ҳам ўша гўзал тарона кириб келди:

Эй сар-ви-ноз гул-ша-ни  
боо-ги ма-лоо-ха-тиши,  
Эй гуль-уззо-ри маҳ-ва-шим  
сар-ви қоо-ма-тиши.  
Лаб-линг та-бас-сум эт-ди-но  
жсо-ним а-сир-дууур  
Шак-кар со-гин-ди тў-ти ка-би  
ўйқ ҳа-ло-ва-тиши-мееей...

Дўпписи ўзига жуда ярашган, юзи нурли устоз санъаткор Юнус Ражабийнинг най каби ёқимли овозини эсланган, мақом сеҳрига ошурта қалб борки, мақом деб аталмиш мумтоз бадий санъат асарлар мобайнида жуда катта руҳий қувват сақлаб келаётганини янада чуқур ҳис қилади.

#### Япон олими: “Бизнинг Навоийимиз йўқ!”

Жиззах вилоятининг Зомин туманида ЮНЕСКО ва АЙСЕСКО шафелигида ўтган II Халқаро мақом санъати анжумани очилишидан то сўнгги лаҳзаларигача Ҳазрат Навоий дostonлари, асарлари, ғазаллари қайта-қайта тилга олинди. Айниқса, фестиваль доирасида “Мақом санъатининг назарий ва амалий асослари: муаммо ва ечимлар” мавзусида ўтказилган II халқаро илмий-амалий конференция санъатшунос ва тадқиқотчиларнинг қизгин баҳс-муҳокамаларига бой бўлди.

— Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Рустам Абдуллаевнинг “XX аср мақом илми: тарих, назария ва амалиёт”, англиялик этномусиқашунос Речил Харриснинг “Уйғур мусиқасининг муштарак тарихлари”, Тожикистон Миллий фанлар академияси санъатшунослик бўлими мудири Аслидин Низомовнинг “Шашмақом” тожик ва ўзбек халқлари маънавий бирлигининг бадий рамзи сифатида” номи мазрузалари менда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди Муножат Йўлчиева. — Уларнинг ҳар бири ўз мазрузасида Ҳазрат Навоийнинг ўлмас ижодига алоҳида тўхталиб ўтди. Олимларнинг мулоҳазаларини тинглаб туриб, бир халқаро анжуманда япониялик олим Генъиши Цугенинг “Бизнинг Навоийимиз йўқ!” дея афсус билан сўзлаганини эсладим. Бугун анжуман баҳона яна янграй бошлаган “Ўшок” садоси ёшлар қалбига кириб борар экан. Алишер Навоий каби шариф мутафаккирлари тараннум этган кўҳна оҳанглар кўнгилларни янгилашини, мақомга ошурталар янада кўпайсин, дейман...

#### “Кохии Борбад” да кечган гўзал мажлислар

Ўзбек ва тожик халқларини кўп асрлик дўстлик ришталари, умумий тарих, маданий ва маънавий қадриятлар, анъана ва урф-одатлар бирлаштириб туради. 2024 йил апрелда

Президентимизнинг Тожикистон давлат раҳбари билан учрашуви икки халқ ўртасидаги ўзаро дўстлик, меҳр-оқибат, давлатларaro муносабатлар, иттифоқчилик даражасини янги босқичга олиб чиқди. Айниқса, Тожикистонда бўлиб ўтган “Ўзбекистон маданияти кунлари” катта тантана билан ташкил этилгани эътиборга молик. Бу ҳақда сўхбатдошимиз бундай деди:

— Ушбу муҳим тадбирда Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли ҳам қатнашди. Душанбе шаҳридаги “Кохии Борбад” концерт саройида ўтказилган гўзал мусиқа анжуманида санъаткорларимиз кучли репертуар билан чиқди. Ансамбль бадий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Абдухашим Исмоилов басталган бир қанча асарлардан намуналар ижро этилди.

Тожикистон матбуоти ушбу концерт ҳақида ёзиб, ансамбль яққоҳон хонандлари ва Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиевнинг чиқишлари давомли олқишлар билан кўтиб олинганини қайта-қайта таъкидлади. Келгусида бу каби концерт дастурлари давом этишига ҳамда ўзаро дўстлик алоқалари янада ривожланишига биз ҳам ишонамиз.

#### “Қорабоғ шикастаси” ўзбек Юлдузини йиғлатганми?

Илмий-амалий конференциядаги маърузаси аввалида озарбайжонлик тадқиқотчи, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Сехрана Касими ўзбек

санъаткорларининг озарий муғомларга эътибори ҳақида тўхталиб ўтди. Иштирокчилар ҳам унинг сўзларини маъқуллаб, 2009 йилда бўлиб ўтган “Муғом олами” халқаро фестивалини ёдга олди.

Мазкур фестивалда ўзбекистонлик иқтидорли хонанда Юлдуз Турдиева голиб бўлган эди. Унинг ижросидаги “Қорабоғ шикастаси” кўшиги барчани лол қолдирган. Ушанда “Юлдуз Турдиева ижро этган “Қорабоғ шикастаси” мақоми озарбайжонликлар қалбини забт этди”, деб ёзди Бокхуади газеталар.

Озарбайжон пойтахтида бўлиб ўтган жаҳон мақом кўшиқчилари беллашувида Бухоронинг чекка қишлоғидан келган талаба киз Юлдуз Турдиева мақомчилиқдаги янги истеъдод, дея тан олинди. Ушанда журналистлардан бирининг “Муқофот берилаётган пайтда нега йиғилдингиз?” деган саволига Юлдуз Турдиева бундай жавоб берган эди: “Тўғриси, мен кутмаган эдим. “Қорабоғ шикастаси” муғоми жуда мураккаб. Бу озарбайжон муғомини юракдан яхши кўрганам учун астойдил ҳаракат қилдим. Биринчи ўринда бу каби концерт дастурлари давом этишига ҳамда ўзаро дўстлик алоқалари янада ривожланишига биз ҳам ишонамиз.

Тожикистон матбуоти ушбу концерт ҳақида ёзиб, ансамбль яққоҳон хонандлари ва Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиевнинг чиқишлари давомли олқишлар билан кўтиб олинганини қайта-қайта таъкидлади. Келгусида бу каби концерт дастурлари давом этишига ҳамда ўзаро дўстлик алоқалари янада ривожланишига биз ҳам ишонамиз.



Озарбайжоннинг “Қорабоғ шикастаси”ни ижро қилдинг. Раҳмат сенга” деб мени юракдан табриклади”.

— 2013 йил 21-24 октябрь кунлари Озарбайжоннинг Боку шаҳрида бўлиб ўтган “Муғом” V халқаро кўшиқ фестивалида юртимиз ёшлари ҳам муносиб иштирок этган эди, — дейди Муножат Йўлчиева. — Фестивалда “Бағти шероз” номи Озарбайжон халқ кўшигини маромига етказиб ижро этган Рухсора Облоқулова III даражали дипломга муносиб топилди. Иштирокчилар орасида энг ёш маҳоратли ижрочи, деб топилган Дониёрбек Жасурбеков фестивалнинг махсус дипломи билан тақдирланди. Ойбек Мадраҳимов, Рухсора Облоқулова, Дилдора Абдусатторова, Жамшид Мўминов, Бахтиёр Нейматов, Дониёрбек Жасурбеков муҳлису мутахассислар эътирофига сазовор бўлди. Ёш ижодкорларнинг мақомга кизиқини ва иштиқоиб бораётганидан жуда хурсандман. Мусиқа санъатининг ажралмас бўлаги ҳисобланувчи ижрочилик аъёналари дурдона ижод намуналарининг авлоддан авлодга ўтиб келишига хизмат қилади. Бу, албатта, ата-боблар амалиётида шаклланиб, ривожланган, замон талаби билан янгилашган бадий мазмун касб этувчи бебаҳо жараёнدير.

#### Илк аёл ижрочисини топган ашула тарихи

Ёш ижрочилар ҳақида гап кетганида устоз санъаткор хамиша ўзининг ёшлик йилларини эслайди. 1980 йил февралда “Назм ва наво” кўрсатувида “Муножат” ва “Ўшок”-ни айтган Муножат Йўлчиева бир кечанинг ўзидаёқ халқ оғзига тушди. Мутахассислар таъкидлашчи, ўзбек мумтоз кўшиқлари султони бўлмиш “Қаро кўзим” ёхуд “Ўшок”ни асарлар мобайнида забардаст кўшиқчиларнинг кўпи айтиб келган бўлса-да, бу ўлмас кўшиқ Муножат Йўлчиева кўйида аёл ижрочисини топади.

Бир куни оқ-қора телевизор карнайидан оҳиста, ўктам овозда “Қаро кўзим” тарала бошлади. Ироқи дўппи кийган атлас кўйлакли киз кўлини кўксига қўйиб қуйлар, сокин овоз борган сари кучаяр эди. Муножат Йўлчиева бу кўшиқни илк бор экранда Ҳазрати Навоийнинг таваллуди санасида куйлаган.

Муножат опа “Қаро кўзим”ни айтиб юрган кезларда ёш ижодкорларни рағбатлантириш ҳақида қарор чиқади. Уша даврда

Ўзбекистон раҳбари бўлган Шароф Рашидов бу қарорга асосан, Муножат Йўлчиевани қўллаб-қувватлайди.

— Биз ўқитган пайтда мақом ансамблларига муносабат бошқача бўлган шекилли, мумтоз кўшиқ куйлайдиган, овози кучли талабаларни куйлайди. Мен билан бирга саккиз талаба мақом ансамблига ишга таклиф қилинган. Энг катта раҳбарлар “Мана, ёш овозлар бор экан. Шуларни иш билан таъминланглар”, деган. Бизга ўқиб билан бирга, ишлаш учун ҳам шароит яратиб берилди. Ҳам ўқиб, ҳам ишлаганимиз, — дейди Муножат опа.

Ёш санъаткорлар ижросидаги мақом ашулаларини халқимиз жуда яхши қабул қилгани боис, уларга алоҳида эътибор қаратила бошлади. Уша пайтда Муножат Йўлчиева ва тендшоилар тайёрлов курсида бўлса-да, профессионал санъаткорлар орасига, мақом ансамблига қўшилиди. У пайтда мақом ансамблига устоз санъаткор Ориф Алихамматов раҳбарлик қилар эди. Бир оз вақт ўтиб ансамблга ҳам созанда, ҳам бастакор Шавкат Мирзаев раҳбар қилиб тайинланди. Ансамблга Муножат Йўлчиева каби бир гуруҳ ёш истеъдодлар катта ишонч билан тўлиқ шпатта ишга қабул қилинади.

Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” китобига киритилган “Қаро кўзим” ғазали қўллаб шеърият ихлосмандларига ёд бўлиб кетган, десак адашмаймиз. Орифона севиғи ҳақида сўзлагувчи бу ғазал бир ўқийдаёқ қалбизини жимирлатиб, ёруғ хаёллар бахш этади. Фалакнинг гардишини қарангки, бу ғазали тарғиб қилиш шўролар чекига тушади. Ғазал “Ўшок” деган куйга солиниб, телевизorda, радиода айлантирилади. Ҳатто пластинка қилиб чиқарилиб, бу ноёб ашула ҳақида хужжатли фильм суратта олинади. Муножат Йўлчиева бу ашулани оддий чўпонлар, деҳқонлар, пахтакорлар даврасида қуйлар эди. Улар ушбу орифона мисраларни қувонч билан қабул қилар, ҳеч қандай тушунтиришларсиз ҳис қилар, англа эди.

#### Эзгулик ва тинчликка ташна қалблар байрами

Ўтган олти-етти йилда устоз санъаткорларнинг ижодий меросини ўрганиш,

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

